



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ**

АХБОРОТИ



Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгашининг
2025 йилдаги фаолияти бўйича

АХБОРОТИ

Ахборотда судьялар корпусини шакллантириш, судьялар дахлсизлигини таъминлаш, суд тизимида коррупциянинг олдини олиш чора-тадбирлари, судьяларни касбий тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик, фуқаролар мурожаатларининг таҳлили, замонавий ахборот-технологияларни жорий этиш, судьялар фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижалари, суд фахрийларини рағбатлантириш, халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик, Кенгаш ташаббуси билан нашр этилган китоб ва қўлланмалар ҳамда ибрат мактабини яратиш билан боғлиқ қилинган ишлар жамланган.



Судьяларни танлаш ва лавозимларига тайинлашда ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш, очиқ, ошкора ва муқобил танлов тизимини яратиш мақсадида Судьялар олий кенгаши таъсис этилди.

Шавкат Миромонович Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг ахборотномаси
[Матн]: ахборотнома – Тошкент: «Ijod Nashr» нашриёти. 2026. – 72 б.

КИРИШ

Янги таҳрирдаги Конституцияда суд ҳокимияти мустақиллиги, судьялар дахлсизлигига доир нормалар такомиллаштирилди, янгилари билан тўлдирилди. Бош Қонун даражасидаги ўзгаришлар суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципига риоя этилишини таъминлаш, «Инсон қадри учун» ғояси асосида чинакам адолатли суд тизимини шакллантириш ишлари самарадорлигини янада оширишда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлди.

Ушбу тўплам Судьялар олий кенгаши томонидан 2025 йилда судьялар корпусини шакллантириш, уларнинг дахлсизлиги бузилишининг олдини олиш ва одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятини бирон-бир тарзда аралашувдан ҳимоя қилиш, тизимда коррупциянинг барвақт олдини олиш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида кенг маълумот жамланган. Шунингдек, суд тизимида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, судьяларни касбий жиҳатдан тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, судьялар фаолияти самарадорлигини замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш орқали баҳолаш каби янги жорий этилган тартиблар ва уларнинг амалий натижалари ҳақида ҳам кенг тасаввур беради.

Одил судловга эришиш даражаси ҳамда уни амалга ошириш сифатини янада яхшилашда соҳаси доир қонунчиликни такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ва ягона суд амалиётини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу омиллар қатори тизимда маънавий-маърифий ишлар сифатини ошириш, узоқ йиллар судьялик лавозимида самарали фаолият кўрсатган фахрийларнинг ҳаёт йўлини ибрат мактаби тариқасида тақдим этиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Кенгаш айни йўналишда қандай ишлар амалга ошириб келаётганига доир саволга ҳам тўпламдан жавоб топиш мумкин.




Судьялар корпусини шакллантириш

2025 йилда фаолият кўрсатган судьялар ва вакант судьялик лавозимлари ҳақида маълумот

Судлар номи		Судлар сони	Штат бирлиги	Шундан			
				Ишлаётган		Вакант	
Олий суд		1	73	67	91,8%	6	8,2%
Умумйурисдикция судлари		313	1473	1356	92,1%	117	7,9%
Шундан	Вилоят судлари	14	393	370	94,1%	23	5,9%
	Туманлараро, туман (шаҳар) судлари	299	1080	986	91,3%	94	8,7%
Маъмурий судлар		28	173	164	94,8%	9	5,2%
Шундан	Вилоят судлари	14	102	98	96,1%	4	3,9%
	Туманлараро судлар	14	71	66	93,0%	5	7,0%
Ҳарбий судлар		6	12	11	91,7%	1	8,3%
ЖАМИ		348	1731	1528	92,5%	133*	7,7%

*2026 йил 1 январь ҳолатига 100 та янги штат ажратилган.

Вакант судьялик лавозимлари кўрсаткичи динамикаси



Судьялик лавозимларига номзодларни танлов асосида танлаш




2025 йил давомида

- **34 (31)** маротаба Кенгаш мажлиси ўтказилган бўлиб,
- унда жами **804 (1000)** та масала муҳокама қилинган.
- Шундан, **743 (950)** та судьялик лавозимига тайинлаш,
- **55 (44)** та судьялик ваколатини муддатидан илгари тугатиш,
- **6 (6)** та бошқа масала муҳокама қилинган.

ШУНДАН

Ўтказилган мажлислар	Кенгашда кўриб чиқилган масалалар	Судьялик лавозимига тайинлаш масаласи	Судьялик ваколатини муддатидан илгари тугатиш масаласи	Бошқа масалалар
34	798	743	44	11

Ўтказилган мажлислар динамикаси



*қавс ичида 2024 йил бўйича маълумот акс эттирилган

Судьялик лавозимлари тоифалари тўғрисида маълумот

	Судьялик лавозимлари тоифалари		Штат	Штат таркиби %	Ишлаётган		Вакант	
	ЖАМИ:		1731		1598	92,3%	133	7,7%
1	Сенат томонидан сайланадиган лавозим		73	4,2%	67	91,8%	6	8,2%
2	Президент томонидан тайинланадиган лавозим		69	4,0%	67	97,1%	2	2,9%
3	Жўқорғи Кенгес томонидан тайинланадиган лавозим		102	5,9%	95	93,1%	7	6,9%
4	Кенгаш томонидан тайинладиган лавозим		1487	85,9%	1369	92,1%	118	7,9%
5	шундан	Вилоят судининг судьяси	423	24,4%	398	94,1%	25	5,9%
		Кўп таркибли туман судининг раиси	301	17,4%	293	97,3%	8	2,7%
		Туман суди раисининг ўринбосари	25	1,4%	24	96,0%	1	4,0%
		Бир таркибли туман судининг раиси	8	0,5%	8	100,0%		
		Туман судининг судьяси	817	47,2%	727	89,0%	90	11,0%
		Ҳарбий суд раиси ва судьяси	10	0,6%	9	90,0%	1	10,0%


	Жами штатлар	Шундан	
		Ишлаб турган судьялар	Вакант лавозимлар
Қорақалпоғистон Республикаси	102	95	7
Андижон вилояти	112	103	9
Бухоро вилояти	100	95	5
Жиззах вилояти	87	80	7
Қашқадарё вилояти	121	113	8
Навоий вилояти	73	70	3
Наманган вилояти	105	98	7
Самарқанд вилояти	138	125	13
Сирдарё вилояти	72	67	5
Сурхондарё вилояти	102	98	4
Фарғона вилояти	136	126	10
Хоразм вилояти	84	79	5
Тошкент вилояти	168	159	9
Тошкент шаҳри	246	212	34
Олий суд	73	67	6
Ҳарбий судлар	12	11	1
ЖАМИ	1731	1598	133

2025 йилда судьялик лавозимларига биринчи мартда тайинланадиган номзодларни судьялик лавозимиغا саралаш танловида иштирок этиш учун жами **273 (294)** та ариза келиб тушган. Шундан **135 (136)** та жиноят ишлари бўйича, **66 (71)** та фуқаролик ишлари бўйича, **21 (51)** та иқтисодий судларнинг судьяси лавозимиغا иштирок этиш учун тақдим этилган.

Судлар	Танловда иштирок этган номзодлар	Шундан	
		лавозимга тайинланган	аризаси рад этилган
Жиноят	135	50	76
Тергов судьяси	27	20	7
Фуқаролик	66	37	29
Иқтисодий	21	16	5
Маъмурий	24	15	9
ЖАМИ	273	147	126

Судлар	Жами	Шундан					
		Муносиб деб топилган		Номуносиб деб топилган		Рад этилган	
		сони	%	сони	%	сони	%
Олий суд	10	10	100%				
ЖИБ судлар	251	136	54.1 %	25	9.9 %	90	35.8
ФИБ судлар	165	110	66.6 %	7	4.2 %	47	28.4
Иқтисодий судлар	222	196	89.2 %	5	2.2 %	21	9.4
Маъмурий судлар	63	37	58.7 %	3	4.7 %	23	36.5
Тергов судьялар	33	12	36,3 %	1	3.0 %	20	60.0
ЖАМИ	743	501	67.4 %	41	5.5 %	201	27.0%

Судьялик лавозимига номзодларни тайинлаш масаласи



743 (950) нафар номзоднинг **501 (783)** нафари ёки **67.4 (82.4) %** судьялик лавозимига муносиб деб топилган,

41 (65) нафари ёки **5.5 (6.8) %** судьялик лавозимига номуносиб деб топилган,

201 (102) нафари ёки **27.0 (10.7) %** қайта тайинлаш рад этилган.


Судьялар олий кенгаши томонидан 2025 йил давомида янги муддатга **6 (14) нафар**, навбатдаги муддатга тавсия этилган **33 (46) нафар** судьялар ва илк бор судьялик лавозимига тавсия этилган жами **2 (5) нафар** номзодлар судьялик лавозимига номуносиб деб топилган.

Судьялик лавозимига муносиб номзодлар	Шундан				
	Беш йил муддатга	Навбатдаги ўн йил муддатга	Муддатсиз даврга	Тергов судьяси	Қайта тайинланган
501	138	66	11	20	286

Бундан ташқари, вилоят судларининг раислари ва раис ўринбосарлари лавозимларига тавсия этиладиган номзодлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар киритилган.

32 (31) нафар судьялик лавозимларига тавсия этиладиган номзодлар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига тақдимномалар киритилган. Янги ваколат муддатига ва бошқа судьялик лавозимларига тавсия этилган **61 (36)** нафар номзоднинг ҳужжатлари ўрганилмоқда.

Судьялик лавозимига илк бор тайинланган номзодлар ҳақида маълумот



2025 йилда Кенгаш томонидан беш йил муддатга судьялик лавозимларига

135 (142) нафар номзод муносиб деб топилган бўлиб,

уларнинг **59 (48)** нафари жиноят ишлари бўйича суди,

39 (55) нафари фуқаролик ишлари бўйича суди,

17 (17) нафари иқтисодий суди,

15 (22) нафари маъмурий суди судьялигига тайинланган.

Ўн йиллик муддатга тайинланган (сайланган) судьялар ҳақида маълумот



Ҳисобот даврида судьялик лавозимида бўлишнинг навбатдаги ўн йиллик муддатига **66 (146)** нафар номзод муносиб деб топилган.

Жумладан:

10 (5) нафари Олий суд судьяси,

18 (45) нафари жиноят ишлари бўйича судья,

21 (46) нафари фуқаролик ишлари бўйича судья,

5 (10) нафари тергов судьяси,

18 (45) нафари маъмурий ишлар бўйича судья лавозимига тайинланди.

Жами ишлаётган судьялар ва уларнинг ваколат муддатлари тўғрисида маълумот

	Жами ишлаётган	шундан					
		5 йил		10 йил		муддатсиз	
		сони	%	сони	%	сони	%
ЖАМИ	1598	572	35,8	967	60,5	59	3,7

Муддатсиз даврга тайинланган (сайланган) судьялар бўйича маълумот

2025 йилда судьялик лавозимида бўлишнинг муддатсиз даврига **11 (5) нафар** номзод муносиб деб топилган. Шундан:

- **6 нафари** вилоят суди раиси ва раис ўринбосари;
- **3 нафари** жиноят ишлари бўйича судья;
- **2 нафари** иқтисодий ишлар бўйича судья лавозимига тайинланди.

Судьялик ваколати муддати даврига қайта тайинланган судьялар бўйича маълумот

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий Кенгаш томонидан **286 (250) нафар** судья ваколат муддати даврига бошқа судьялик лавозимларига қайта тайинланган бўлиб, шундан **45 (97) нафари** жиноят, **48 (72) нафари** фуқаролик, **16 (35) нафари** маъмурий, **162 (39) нафари** иқтисодий, **1 (3) нафари** Олий суднинг судьяси, **8 (4) нафари** вилоят суди раисининг ўринбосари лавозимларига қайта тайинланган.




Ваколатлари муддатидан илгари тугатилган судьялар

2025 йилда Судьялар олий кенгаши томонидан жами **44 (40)** нафар судьянинг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган.

	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил
Ваколат муддати тугатилган судьялар сони	16	27	54	49	40	44
Ёзма аризасига кўра	4	8	30	24	19	25
Судьялик қасамёдини бузганлиги учун	8	11	22	17	11	14
Судьялар одоб кодекси талабини бузганлиги учун	4	8	2	8	10	5

Судьяларнинг ёши ҳақида маълумот



Судьяларнинг малака ҳайъатлари раислари билан очик мулоқот



2025 йилнинг май ойида Судьялар олий кенгашида вилоят ва унга тенглаштирилган судлар судьялари малака ҳайъатларининг раислари иштирокида очик мулоқот бўлиб ўтди.

Очик мулоқотда судьялар корпусини шакллантириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш ва судьяларнинг одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятига тули аралашувларнинг олдини олишда малака ҳайъатлари фаолиятини янада кучайтириш, Судьялар одоб комиссияси фаолияти ва тизимда коррупциянинг барвақт олдини олиш самарадорлигини ошириш бўйича амалга оширилган ишлар ва яқин келажакдаги режалари муҳокама қилинди.

Очик мулоқотда хизмат текширувлари сифатини яхшилаш, уларни ҳар томонлама, тўлиқ ва холис ўтказиш, интизомий жазо чораларини қўллаш тартибларини такомиллаштириш, бу борада ягона амалиётни шакллантириш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари “Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги”ги Низом ва бошқа меъёрий ҳужжатларга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқишга келишиб олинди.

"Судьялар олий кенгаши судьялари малака ҳайъатлари фаолияти билан танишди"



Судьялар олий кенгашининг судьялари Алишер Ҳамроев ва Баҳром Сабиров Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоят судларида бўлиб, судьяларнинг масъулияти, Судьялар одоби кодекси қоидаларига риоя этилиши борасидаги малака ҳайъатлари ишлари билан танишди.

Уларнинг якуни бўйича очиқ мулоқот бўлиб ўтди.



Судьялар дахлсизлигини таъминлаш

Судьяларнинг дахлсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар

Судьяларнинг дахлсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг судга бўлган ишончига путур етказилишининг олдини олиш мақсадида **5** та ҳолатда Бош прокуратурага тақдимнома киритилди.

Судьялар дахлсизлиги ва мустақиллигини таъминлаш чора-тадбирлари доирасида 2024 йил ҳамда 2025 йил январь-май ойларида туманлараро, туман (шаҳар) судлари раислари томонидан чиқарилган 6395 та буйруқлар Кенгаш томонидан ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш натижасида 231 та буйруқда 314 нафар судьяларга нисбатан одил судлов билан бевосита боғлиқ бўлмаган қўшимча вазифалар юклатилганлиги аниқланиб, мазкур буйруқларни қонунга мувофиқлаштириш тўғрисида тегишли судларга тақдимномалар киритилди.

Судьяларнинг интизомий жавобгарлиги



2025 йилда **841 та** хизмат текшируви ўтказилган бўлиб, **550 та интизомий иш қўзғатилган**, **266 нафар** судьяга интизомий жазо қўлланилган.

Шундан **23 нафар** судьянинг судьялик ваколати муддатидан илгари тугатилган, **93 нафар** судьяга нисбатан “**ҳайфсан**”, **26 нафар** судьяга нисбатан “**жарима**”, **122 нафар** судьяга нисбатан “**огоҳлантириш**”, **284 нафар** судьяга нисбатан интизомий иш тугатилган. Қўзғатилган интизомий ишларнинг **160 таси** фуқаролик, **316 таси** жиноят, **58 таси** иқтисодий, **16 таси** маъмурий суд судьяларига тўғри келади.

Шу жумладан, **82 та** интизомий иш судлар томонидан чиқарилган хусусий ажримлар, **385 таси** Олий суд ва вилоят судлари томонидан судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятини ўрганиш натижаларига кўра, **374 таси** жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари асосида қўзғатилган.

Интизомий иш қўзғатилган ҳолатлар ҳудудлар кесимида



Таҳлилларга кўра, интизомий ишларнинг аксарият қисми Тошкент шаҳар **106**, Тошкент вилояти **41**, Сурхондарё вилояти **45**, Қашқадарё вилояти **66**, Навоий вилояти **30**, Самарқанд вилояти **35**, Бухоро вилояти **47**, Фарғона вилояти **25**, Жиззах вилояти **20**, Қорақалпоғистон Республикаси **29** кўрсаткичларига тўғри келади.

Мазкур интизомий ишларнинг **56** таси Кенгаш томонидан, **28** таси Олий малака ҳайъати томонидан, **476** таси жойлардаги малака ҳайъатлари томонидан ўтказилган хизмат текширувлари асосида қўзғатилган.

Коррупциянинг барвақт олдини олиш чора-тадбирлари



Судьялар олий кенгаши томонидан судьянинг қасамёди ҳамда судьянинг маънавияти ва масъулияти қандай бўлиши лозимлиги акс этган, шунингдек, 2023 ва 2024 йилларда жиноий жавобгарликка тортилган судья ва суд ходимлари ҳақида батафсил маълумотларни ўз ичига олган ва айни пайтда жазо ўтаётган судья ва суд ходимларининг пушаймонлиги акс этган видеоматериал тайёрланди.

Тайёрланган видеоматериал республикада фаолият юритаётган барча судлар судьялари ва уларнинг **ота-онаси, турмуш ўртоқларига намойиш этилди.**

Жойларда ўтказилган тадбирларда кенгаш раҳбарияти томонидан судьяларнинг эътибори **ҳалол, пок ва фидойи** бўлишга, ишларни холис ва қонуний қўришини таъминлашга, шунингдек, суд ишига аралашувларга мурасасиз бўлиш, аралашув ва босимлар ҳақида Судьялар олий кенгашига маълум қилиш лозимлигига қаратилди.

Тадбирда иштирок этган фахрийлар, ота-оналар ҳамда судьяларнинг турмуш ўртоқлари судьяларга тамагирликдан йироқ бўлиш шартлиги, судьяликнинг **масъулиятини ҳис қилиш** лозимлиги ҳақида ўз фикрларини баён қилди.

ТАДБИР ОММАВИЙ-АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ОРҚАЛИ КЕНГ ЁРИТИЛДИ.



- 10 маротаба маҳаллий,
- 3 маротаба марказий телевидениеда,
- 8 маротаба интернет сайтларида
- 1 та газета;
- 1 та журнал;
- 12 та ижтимоий тармоқдаги расмий каналларда ёритилди

Суд тизимида коррупция ва суд ишларига аралашувнинг олдини олиш борасида Судьялар олий кенгашининг судьялар билан ўтказган учрашувлари ҳақида

МАЪЛУМОТ

№	МАСЪУЛ	ҲУДУД	ВАҚТИ
1.	Х.Ёдгоров, Т.Буваев, А.Ядгаров	Наманган в. Андижон в. Фарғона в. 	26 март / 13:00 26 март / 16:00 27 март / 09:00
2.	А.Жалилов, М.Кукиев	Жиззах в. Сирдарё в. 	27 март / 08:00 27 март / 13:00
3.	Х.Ёдгоров, А.Жалилов, Т.Буваев, Н.Бобохонова, А.Ядгаров	Олий суд Тошкент в. Тошкент ш. 	28 март / 17:00
4.	Х.Ёдгоров, Т.Буваев, А.Ядгаров	Навоий в. Бухоро в. 	2 апрель / 10:30 2 апрель / 14:30
5.	Х.Ёдгоров, Т.Буваев, А.Ядгаров	Сурхондарё в. Қашқадарё в. 	4 апрель / 08:30 4 апрель / 14:00
6.	Х.Ёдгоров, Т.Буваев, А.Ядгаров	Хоразм в. Қорақалпоғистон 	9 апрель / 13:00 10 апрель / 17:00
7.	Х.Ёдгоров, Т.Буваев, А.Ядгаров	Самарқанд в. 	12 апрель / 10:00

Кенгаши раиси судьялар билан очик мулоқот ўтказди

Очиқ мулоқотларда суд ҳокимияти мустақиллиги, судьялар дахлсизлигини таъминлаш, уларнинг одил судлов билан боғлиқ фаолиятига турли аралашувларнинг олдини олиш, тизимда коррупцияга нисбатан муросасизлик муҳитини янада шакллантириш масалалари хусусида сўз юритилди.





Коррупциявий жинойтларга қарши иммунитетни шакллантириш мақсадида "Пора берма" номли постер фуқаролар қабулхоналарига, "Пора олма" номли буклет судьяларнинг хизмат хоналарига жойлаштирилди.



Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий Кенгаш ташаббуси билан **“Пушаймон”** қисқа метражли фильм суратга олинди. Фильмда иш фаолиятида коррупцияга йўл қўйган ва бунинг оқибатида ҳаёти издан чиққан собиқ судьянинг аянчли тақдири ҳақида ҳикоя қилинади.

Соҳа ходимларида коррупцияга нисбатан муросасизлик кайфиятини қарор топтириш мақсадида мазкур фильм жойларда ўтказилган маърифий тадбирларда судьялар ва уларнинг оила аъзоларига намойиш этилди.

Судьялар дахлсизлигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича суд инспекцияси томонидан **103** нафар судья билан алоҳида-алоҳида профилактик суҳбат ўтказилди.





Суд тизимида коррупциянинг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар



Очиқ мулоқот тарзида бўлиб ўтган сайёр суд мажлисида **6 нафар** маҳкума жазодан озод этилди.

Шунингдек, Судьялар олий кенгаши ташаббуси ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида Зангиота туманидаги 21-сонли жазони ижро этиш муассасасида маърифий тадбир ташкил этилиб, муассасага **200 дан зиёд бадиий китоблар** ҳадя қилинди.

Тадбирда санъат ва адабиёт вакиллаларидан ташқари Тошкент шаҳри ва вилояти судларида фаолият кўрсатаётган аёл судьялар иштирок этди.





Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича таҳлил

Судлар номи	2021 йил	2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил
Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари	5140	6858	6489	7962	7501
Суд қарорлари юзасидан	3661	4532	3941	5289	5346
Судьяларнинг хатти-ҳаракатлари юзасидан	120	341	421	500	115
Бошқа масалалар юзасидан	1359	2016	2127	2173	2046
Шикоят ва такрорий мурожаатлар	498	481	146	743	651
Ишонч телефонлари орқали	1569	2466	2977	2374	1890
Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси	2106	2896	2973	4733	4351

Мурожаатларни ўрганиш динамикаси

Рад этилган

1

Тушунтириш берилган

3331

Тааллуқлилиги бўйича юборилган

2593

Кўрмасдан қолдирилган

277

Мурожаатларнинг кўриб чиқиши

Суд қарорлари юзасидан келиб тушган

5346 та шикоятдан

2433 таси фуқаролик,
2165 таси жиноят,
433 таси иқтисодий,
315 таси маъмурий судлар томонидан
чиқарилган қарорларга тўғри келади.

Келиб тушган мурожаатларни ўрганиш натижаларига кўра

1 та мурожаат рад қилинган,
2593 та мурожаат тааллуқлилиги бўйича юборилган,
277 та мурожаат кўрмасдан қолдирилган,
347 та мурожаат маълумот учун қабул қилинган,
3331 та мурожаат юзасидан тушунтиришлар берилган,
818 та мурожаат бўйича Ўзбекистон Республикаси
Олий малака ҳайъати ва малака ҳайъатлари
томонидан ўрганиб чиқиш учун юборилган.

Бундан ташқари, судьяларнинг хатти-ҳаракатлари юзасидан келиб тушган

115 та шикоятдан

52 таси фуқаролик,
43 таси жиноят,
15 таси иқтисодий,
5 таси маъмурий суд судьяларига
тўғри келади.

Судьянинг хатти-ҳаракатлари юзасидан келиб тушган

115 та мурожаатнинг

22 тасида важлар ўз тасдиғини топган бўлиб,

6 нафарига “ҳайфсан” интизомий жазо чораси,

6 нафарига “огоҳлантириш” жазо чораси қўлланилган.

1 та хизмат текшируви малака ҳайъати кун тартибига киритилган

1 та хизмат текшируви якунланган

1 та шикоят кўрмасдан қолдирилган

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашига жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлар таҳлил қилиниб, таҳлил натижалари жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлари билан ишлаш, асоссиз ва такрорий мурожаатларнинг олдини олиш борасида тегишли чора тадбир белгилаш учун Олий малака ҳайъати, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар судьялари малака ҳайъатларига юборилди.

Ишларни кўришда сансалорликка йўл қўйганлиги, қўпол муносабатда бўлинганлиги ёки судьялар одоби кодекси қоидаларига зид бошқа хатти-ҳаракатларни содир этганлиги ҳақида маълумотлар келиб тушган айрим судьялар билан **103** маротаба суҳбат ўтказилиб, расман огоҳлантирилди.





Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик



Жамоатчиликка 2025 йилда Судьялар олий кенгаши мутасаддилари иштирокида **1 марта** матбуот анжумани, **1 марта** брифинг ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий Кенгаш томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида кенг ахборот берилди. Шунингдек Судьялар олий кенгаши фаолияти ҳақида турли оммавий ахборот воситаларида **362 та** матнли, **146 та** видеоматериаллар эълон қилинди.

Бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда эълон қилинган судьяларнинг хатти-ҳаракатлари, шунингдек уларнинг дахлсизлиги ва суд ишларига таъсир кўрсатишга уриниш эҳтимолини юзага келтирган **61 та (2024 йилда – 65 та; 2023 йилда – 73 та; 2022 йилда – 91 та)** танқидий материаллар тегишли муносабатлар билдирилди.





Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси фаолияти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2025 йил 21 август**даги “Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-141-сонли Фармони билан **Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси** ташкил этилди.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОДИЛ СУДЛОВ АКАДЕМИЯСИ КАСБИЙ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ КУРСИ ТИНГЛОВЧИЛАРИ УЧУН ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ФАНЛАР КАФЕДРАСИ



ДУАЛ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ



ҚАБУЛ ИМТИҲОНИ

Академиянинг касбий
қайта тайёрлаш курсларига
1 016 нафар номзод ҳужжат
топширди



ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ

161 нафар номзод
судьялик лавозимиغا
тайёрланмоқда.



ДИПЛОМ ТОПШИРИШ

2025-2026 йилларда 680
нафар номзодга дипломлар
топширилди.




СУДЬЯЛИККА ТАЙИНЛОВ

Битирувчиларнинг
598 нафари судьялик
лавозимига тайинланди.




Судьялар олий мактабида малака оширган судьялар


Жиноят ишлари бўйича




Фуқаролик ишлари бўйича



Иқтисодий ишлар бўйича




Маъмурий ишлар бўйича




Жиноят ишлари бўйича




Фуқаролик ишлари бўйича



Иқтисодий ишлар бўйича



Маъмурий ишлар бўйича




311

нафар судьялар
малакасини оширган

360

нафар суд ходимлари
малакасини оширган

2025 йилда жами
671 нафар судья ва
суд ходимлари
Одил суд
академиясида
малакасини
оширди.



Раҳбар судьялик лавозимлари учун кадрлар захирасини шакллантириш




Судьялар олий кенгаши ташаббуси билан тизимда раҳбар судьялик лавозимлари учун кадрлар захирасини шакллантириш мақсадида икки ойлик қайта тайёрлаш курслари жорий этилди.

Шу мақсадда март ойида **250 нафар судья** тест синовларидан ўтказилиб, энг юқори балл олган **11 нафари** туманлараро, туман (шаҳар) суди раиси ва раис ўринбосари лавозими учун захирага олинган ва икки ойлик қайта тайёрлаш курсига жалб қилинган.




Қайта тайёрлаш курсларида асосий эътибор суд бошқарувини самарали ташкил этиш, ташаббускорлик, вазифаларни аниқ белгилаш, вақтни бошқариш, муайян муаммоларга ўз вақтида ечим топиш, жамоатчилик билан очиқ мулоқотлар ўтказиш каби кўникмаларни шакллантиришга оид назарий ва амалий машғулотлар ўтказилди. Ўқув машғулотлари ҳуқуқшунос олимлар, малакали психологлар ва катта тажрибага эга суд фахрийлари томонидан олиб борилди.

2020-2025 йилларда Судьялар олий мактабини
680 нафар номзод битирди.



Битирувчиларнинг **598** нафари ёки **87.9 %** судьялик
лавозимларига тайинланди.





Судьялар фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижалари

Судьялар олий кенгашининг 2021 йил 6 декабрдаги 1646-сонли қарори билан “Судьялар фаолияти самарадорлигини электрон рейтинг баҳолаш тартиби тўғрисида Низом тасдиқланди.

Низомга кўра судьялар фаолиятининг самарадорлиги инсон омилиси ва аралашувиси 100 баллик баҳолаш тизимида асосий ва қўшимча мезонлар асосида баҳоланади.

Суд қарорларининг сифати, судьянинг масъулияти ва одоби ҳамда судьянинг чет тилларини билиши асосий баҳолаш мезонлари ҳисобланади.

Судьянинг иш ҳажми катталиги, Судьялар клуби онлайн форумидаги фаоллиги, илмий даражага эгаллиги, судьяларнинг касбий малака оширишида қатнашганлиги ҳамда муайян иш бўйича тарафларнинг ярашувига (келишувига) эришганлиги қўшимча баҳолаш мезонлари ҳисобланади.

Судьялар олий кенгаши
АХБОРОТ ТИЗИМИ

Логин

Пароль

Кирish



Судьялар ва уларнинг ота-оналарини тақдирлаш

2025 йилда фаолият кўрсатиб, ўзининг чуқур билими, одоб-ахлоқи ва маънавий фазилатлари билан касбдошларига намуна бўлаётган, **14** нафар судья **“Ибратли судья”** мукофоти билан ҳамда **10** нафар судьянинг ота-онасига ташаккурнома билан тақдирландилар.

2020 - 2025 йилларда жами **79** нафар судья **“Ибратли судья”** мукофоти билан тақдирланган. Бундан ташқари, жамиятда адолат ўрнатилишида алоҳида ўрнатилган **41** нафар судьянинг ота-онасига ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.





«Суд фахрийси» кўкрак нишони



Байрам муносабати билан **38 нафар** устозларга **“Суд фахрийси”** кўкрак нишони тантанали равишда тақиб қўйилди.

Шу муносабат билан Судьялар олий кенгашида ўтган мухтасар тадбирда фахрийларнинг меҳнатлари яна бир бор ҳақли равишда эътироф этилди.

Кўкрак нишони таъсис этилгандан буён жами **277 нафар** фахрий тақдирланди.





Ибрат мактаби



Судьялар олий кенгаши ташаббуси билан тизимда узоқ йиллар самарали фаолият кўрсатган фахрийларнинг намунали ҳаёт йўли ҳақида **“Ибрат мактаби”** туркумидан китоблар нашр қилиниб келинмоқда.

Яхши анъананинг узвий давоми сифатида шу туркум доирасида босмадан чиққан яна иккита китоб тақдироти бўлиб ўтди.

Китоб қаҳрамонлари элнинг суюкли фарзандлари, суд тизимининг шубҳадан холи дарғаларидир. “Шарафли йўл соҳиби” китобида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, таниқли давлат ва жамоат арбоби Мирзо-Улуғбек Абдусаломовнинг ҳаёти ва серқирра фаолияти қаламга олинган бўлса, “Сахродай кенг, дарёдай тошқин” китобида Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган юрист Парахат Айтниёзовнинг умр йўли ҳақида ҳикоя қилинади.



Тадбирда алоҳида қайд этилдики, ҳар бир инсон ҳаётида Устозларнинг ўрни катта. Ким ҳаёти ва фаолиятида нималарга эришган бўлса, уларда устозларнинг алоҳида ҳиссаси бор. Китоб қаҳрамонлари суд тизимида кўпларнинг устози ҳисобланади, айримлар бевосита уларнинг қўл остида ишлаб, касб сир-асрорларини ўрганган бўлса, яна кўплар серқирра фаолиятига ҳавас қилиб, намуна олишга олишга ҳаракат қилгани ҳам рост.

Мамлакатимиз ҳуқуқий тараққиётига муносиб ҳисса қўшган устозларнинг намунали ҳаёти ва фаолиятини ҳақли эътироф этмоқ шогирдлар бурчидир.

Ҳазрат Навоий айтганларидек, “ҳақ йўлида ранж ила” сабоқ берган устозлар ҳақида китоб нашр этилиши шогирдларнинг лоақал “бир ганж ила” миннатдорлигининг ифодасидир.





Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташаббуси билан Алишер Мардиевнинг мазмунли ва синовли ҳаёти ва серқирра фаолияти тўғрисида "Муносиб яшамок бахти" номли китоб нашр этилди. Унда машҳур ҳуқуқшуноснинг мамлакатимиз юриспруденцияси тараққиётига қўшган муносиб ҳиссаси ноёб архив материаллари ва далиллар асосида очиб берилган.



Судьялар олий кенгашининг мамлакатимиз ҳуқуқий тараққиётига муносиб ҳисса қўшган, ҳаёти ва фаолияти ибрат мактабига айланган устозлар ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар нашр этилиши мақсадга мувофиқдир. Мақсад - маърифат ва маънавият элчилари бўлмиш китоблар орқали бўлажак ҳуқуқшуносларни тарбиялаш, судьялар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларини касбига садоқатли инсонлар бўлиб шаклланишига ҳисса қўшишдир.



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос Умсун Астанованинг ҳаёт йўли ва меҳнат фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи "Матонатли аёл қиссаси" китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Форишлик оддий қишлоқ аёли Умсун опа Астанова 25 йил узлуксиз туман судининг раиси лавозимида самарали фаолият кўрсатган.

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос” фахрий унвонига сазовор бўлган аёл судьялардан биридир.



“Матонатли аёл қиссаси” асарида опанинг ҳаёт йўли ҳаётий воқеалар асосида бадий талқин қилинган. Муаллиф асарда қишлоқ аёлининг оддий ишчиликдан туман суди раиси даражасига бўлган ҳаёт йўлини ёрқин чизгиларда баён этган.



Конституция байрами арафасида Судьялар олий кенгаши ташаббуси билан ўзига хос маърифий тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда бу йил умумхалқ референдуми орқали мамлакатимизнинг янги таҳрирдаги Конституцияси қабул қилингани қайд этилди. Янги таҳрирдаги Конституцияда инсон қадри – бош тамойил сифатида белгиланиб, “инсон – жамият – давлат” тизими асосий йўналиш сифатида белгиланди.

Бундан ташқари, янги таҳрирдаги Конституцияда Судьялар олий кенгаши таркибини демократик тарзда шакллантиришга оид янги норма киритилди.

Конституция байрами арафасида ушбу туркумдаги яна бир китоб нашрдан чиқди. Журналист Турсунали Акбаров қаламига мансуб **“Одиллик ва оддийлик саодати”** номли мазкур китобда салкам чорак аср Конституциявий судда (3 йил судья, 13 йил раис ўринбосари, 7 йил раис сифатида) фаолият кўрсатган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Бахтиёр Мирбобоевнинг осон кечмаган ҳаёт йўли, у киши ҳақида ўқилмаган ҳақиқатлар ўзига хос услубда баён қилинган.



Устозлар – фахримиз!



**Astanova
Umsun**

1932 yilda Forish tumanida
tug'ilgan.

O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan yurist faxriy unvoni,
"Mehnatda o'rnatilganlik uchun", "Mehnat faxriysi",
"Shuhrat" medallari, "Sud faxriysi" ko'krak nishoni sohibasi.

U. Astanova 1949 yilda hozirgi Forish tumanidagi 1-sonli
umumta'lim maktabini, 1966 yilda Toshkent davlat yuridik
institutini (hozirgi Toshkent davlat universitetining yuridik
fakulteti) tamomlagan.

U. Astanova 1945–2011 yillarda tuman kommunal xo'jaligi
idonasida hisobchi, tuman FHDYo mudrasi, ijtimoiy ta'minat
bo'limiyo'riqchisi, tuman ijroiyo'qo'mitasi raisining o'rinbosari,
tuman sudining sudyasi, "Sog'lom avlod uchun" jam'iyati
Forish tuman tashkiloti direktori lavozimlarida faoliyat
ko'rsatgan.

O'zbekiston Respublikasi Sudyalari oliy kengashi Umsun
Astanova tahsil olib, katta hayotga ilk qadamlarini qo'ygan
Forish tumani 1-umumta'lim maktabiga tashakkur izhor qiladi.

O'zbekiston Respublikasi
Sudyalar oliy kengashi



**Mardiyev
Alisher
Mardiyevich**

1951 yilda Samarqand viloyati,
Kattaqo'rg'on tumanida
tug'ilgan.

O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan yurist, "Sud faxriysi" ko'krak
nishoni sohibi.

A. Mardiyev 1973 yilda Toshkent davlat universitetining
(hozirgi O'zbekiston Milliy universiteti) yuridik fakultetini
tamomlagan.

A. Mardiyev 1973–2011 yillarda Jizzax, Paxtachi, Pastarg'on
tumanlari prokuraturasida prokuror yordamchisi, tergovchi,
Samarqand viloyat sudining sudyasi, rais o'rinbosari, raisi,
Prezident devonida mas'ul sodim, viloyat adliya boshqarmasi
boshlig'ining o'rinbosari, boshlig'i, Samarqand viloyati
hukimining birinchi o'rinbosari, viloyat hokimi, Adliya vaziri,
fuqarolik ishlari bo'yicha Samarqand viloyat sudining raisi
lavozimlarida faoliyat ko'rsatgan.

Alisher Mardiyev sudya sifatida yuksak martabaga erishib,
ayni paytda ko'plab shogirdlar uchun o'ziga xos ibrat maktabi
yaratganligi alohida e'tirofga molik.

Alisher Mardiyevich Mardiyevga ilk ta'lim berib, katta hayot
yo'lga chiqargan ustoz-murabbiylariga, xususan, u tahsil olgan
Samarqand viloyati, Kattaqo'rg'on tumani 25-umumta'lim
maktabi ma'muriyatiga TASHAKKUR izhor qilamiz.

O'zbekiston Respublikasi
Sudyalar oliy kengashi



**Mirboboyev
Baxtiyor
Shamsutdinovich**

1946 yilda Toshkent shahrida
tug'ilgan.

O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan yurist, "Mehnat shuhrati"
ordeni, "Sud faxriysi" ko'krak nishoni sohibi, yuridik fanlari
nomzodi, dotsent.

B. Mirboboyev 1969 yilda Toshkent davlat universitetining
(hozirgi O'zbekiston Milliy universiteti) yuridik fakultetini
tamomlagan.

U 1969–2021 yillarda O'zFA Fakafa va huquq institutida
ilmiy sodim, Toshkent yuridik universitetida katta o'qituvchi,
dekan, prorektor, Adliya vaziri o'rinbosari, Prezident davlat
maslahatchisi, Konstitutsiyaviy sud raisining o'rinbosari,
Konstitutsiyaviy sudning raisi lavozimlarida faoliyat ko'rsatgan.

Baxtiyor Mirboboyev sudya sifatida yuksak martabaga erishib,
ayni paytda ko'plab shogirdlar uchun o'ziga xos ibrat maktabi
yaratganligi alohida e'tirofga molik.

Baxtiyor Mirboboyevga ilk ta'lim berib, katta hayot yo'lga
chiqargan ustoz-murabbiylariga, xususan, u tahsil olgan Toshkent
shahar, Yunusobod tumanidagi 70-umumta'lim maktabi
ma'muriyatiga TASHAKKUR izhor qilamiz.

O'zbekiston Respublikasi
Sudyalar oliy kengashi



**Aytyniyazov
Paraxat**

1950 yilda Nukus shahrida
tug'ilgan.

Qoraqalpog'iston Respublikasida xizmat ko'rsatgan yurist,
"Do'stlik" ordeni, "Sud faxriysi" ko'krak nishoni sohibi.

P. Aytyniyazov 1979 yilda Toshkent davlat universitetining (hozirgi
O'zbekiston Milliy universiteti) yuridik fakultetini, 1993 yili Rossiya
Boshqaruv Akademiyasini tamomlagan.

U 1980–2020 yillarda Nukus shahar sudining stajyor sudyasi, sudya,
Qo'ng'iro't tuman sudining raisi, Qoraqalpog'iston Respublikasi
Adliya vazirining o'rinbosari, sobiq ittifoq Adliya vazirligida katta
maslahatchisi, Qoraqalpog'iston Respublikasi Jo'qorg'i Kengasining
qo'mita raisi, O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining
boshqarmasi boshlig'i, Qoraqalpog'iston Respublikasi Oliy sudining
raisi, O'zbekiston Respublikasi Oliy sudining katta konsultanti,
O'zbekiston Sudyalari Assotsiatsiyasi raisining o'rinbosari
lavozimlarida faoliyat ko'rsatgan.

2020 yildan Qoraqalpog'iston Respublikasi Konstitutsiyaviy
nazorat qo'mitasi raisi.

Paraxat Aytyniyazov sudya sifatida yuksak martabaga erishib,
ayni paytda ko'plab shogirdlar uchun o'ziga xos ibrat maktabi yaratganligi
aloqida e'tirofga molik.

Paraxat Aytyniyazovga ilk ta'lim berib, katta hayot yo'lga chiqargan
ustoz-murabbiylariga, xususan, u tahsil olgan Amudaryo tumanidagi
3-umumta'lim maktabi ma'muriyatiga TASHAKKUR izhor
qilamiz.

O'zbekiston Respublikasi
Sudyalar oliy kengashi



**Talibov
Karim**

1940 yilda Buxoro viloyati,
G'ijduvon tumanida tug'ilgan.

"Shuhrat" medali, "Sud faxriysi" ko'krak nishoni sohibi.

K. Talibov 1969 yilda Toshkent davlat universitetining
(hozirgi O'zbekiston Milliy universiteti) yuridik fakultetini
tugatgan.

K. Talibov 1964–2006 yillarda Farg'ona politexnika
institutida o'qituvchi, Dang'ara tuman prokuraturasida
prokuror katta yordamchisi, Qo'qon shahar sudining sudyasi,
Farg'ona shahar sudining raisi, Farg'ona viloyat adliya
boshqarmasi boshlig'i, Farg'ona viloyat sudining sudyasi,
O'zbekiston Respublikasi Oliy sudining sudyasi lavozimlarida
faoliyat ko'rsatgan.

Karim Talibov sudya sifatida yuksak martabaga erishib,
ayni paytda ko'plab shogirdlar uchun o'ziga xos ibrat maktabi
yaratganligi alohida e'tirofga molik.

Karim Talibovga ilk ta'lim berib, katta hayot yo'lga
chiqargan ustoz-murabbiylariga, xususan, u ilk tahsil olgan
G'ijduvon tumanidagi 5-umumta'lim maktabi ma'muriyatiga
TASHAKKUR izhor qilamiz.

O'zbekiston Respublikasi
Sudyalar oliy kengashi



**Xodjaeva
Muxabbat
Mansurovna**

1954 yilda Qashqadaryo viloyati,
Shaxrisabz tumanida tug'ilgan.

O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan yurist, "Sud faxriysi" ko'krak
nishoni sohibi.

1981 yilda Toshkent davlat universitetining (hozirgi
O'zbekiston Milliy universiteti) yuridik fakultetini tamomlagan.

U 1973–2020 yillarda O'zbekiston Respublikasi Oliy sudida
katta maslahatchi, devonxona mudiri, Toshkent shahar
sudining sudyasi, Toshkent viloyati jinoyat ishlari bo'yicha
Zangioti tuman sudining raisi, Toshkent viloyat sudining
sudyasi, O'zbekiston Respublikasi Oliy sudining sudyasi
lavozimlarida faoliyat ko'rsatgan.

Muxabbat Xodjaeva sudya sifatida yuksak martabaga
erishib, ayni paytda ko'plab shogirdlar uchun o'ziga xos ibrat
maktabi yaratganligi alohida e'tirofga molik.

Muxabbat Xodjaevaga ilk ta'lim berib, katta hayot yo'lga
chiqargan ustoz-murabbiylariga, xususan, u tahsil olgan
Mirzo Ulug'bek tumanidagi 208-umumta'lim maktabi
ma'muriyatiga TASHAKKUR izhor qilamiz.

O'zbekiston Respublikasi
Sudyalar oliy kengashi

28 нафар Суд фахрийларининг фаолияти ёритилган лавҳалар
тайёрланиб, улар таълим олган мактабларга ўрнатилди.

Фахрийларни ардоқлаш, ёшларда қизиқиш уйғотиш мақсади-
да улар ўқиган мактабларда учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

Суд фахрийлари ва ёшлар учрашуви

Судьялар олий кенгаши ташаббуси билан тизимда узоқ йиллар самарали фаолият кўрсатган 28 нафар суд фахрийлари ҳаёти ва фаолияти акс этган пешлавҳалар вазирлик билан ҳамкорликда улар таълим олган умумтаълим мактабларига ўрнатилиб, ўқувчилари билан учрашувлар ташкил этилди.



“Ибрат мактаби” номи остида ташкил этилган ушбу тадбирлар ёшларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, уларни фуқаролик жамиятини барпо этишда адолат ва қонунга садоқат руҳида тарбиялашдек умуммақсадга хизмат қилади. Шунингдек, ҳуқуқий тарғиботнинг самарали шакли сифатида ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларга қўшимча мотивация (интилиш) беришда муҳим аҳамият касб этади.





2025 йил апрель-май ойларида Қорақалпоғистон Республикаси (1 та), Хоразм (1 та), Қашқадарё (2 та), Наманган (1 та), Жиззах (2 та), Сирдарё (2 та), Фарғона (1 та), Тошкент (1 та) вилоятлари ва Тошкент шаҳрида (3 та) - жами 14 нафар суд фахрийлари билан ўзлари таълим олган мактабларда учрашувлар бўлиб ўтди.

Унда суд фахрийлар ўзларининг мактаб даври ва айти пайтдаги шарт-шароитлар, давлатимиз томонидан ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол вояга етиши учун амалга оширилаётган ишлар, билим олиш зарурияти, шахсий юксалишда билим ва қонунга бўлган ҳурматнинг аҳамияти ҳақида фикрлар билдиришди.

Шунингдек, суд фахрийлари томонидан ўзлари тахсил олган мактаб кутубхоналарига умумий ҳисобда 2000 дан ортиқ турли номдаги бадиий китоблар, 100 дан зиёд турли спорт анжомлари, 1 дона телевизор совға қилинди.

Айрим суд фахрийлари (А.Эранов – Наманган вилояти, Учқўрғон туманидаги 15-умумтаълим мактаби) шахсий ташаббуси ва маблағи ҳисобидан 3 нафар аълочи ўқувчини ҳар чоракда моддий рағбатлантириш тартиби жорий этилди.



2025-2026 ўқув йилида жами 253 нафар суд фахрийлари иштирокида “Ибрат мактаби” лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган маърифий тадбирлар давом эттирилади ҳамда суд фахрийларининг ўзлари ўқиган мактабларида ўқувчилар билан ҳар уч ойда камида бир марта учрашув ва очиқ дарсларини ўтказиш режалаштирилди.





Ўзбекистон Судьялар клуби



ПФ-6127-сон Фармон асосида 07.12.2020 йилда ташкил этилган Судьялар клубининг электрон платформасида судьянинг дахлсизлиги бузилган ҳолатлар тўғрисида тезкор хабар юбориш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш, ўзаро мулоқот асосида судьялар малакасини ошириш ва ягона суд амалиётини жорий этишга кўмаклашиш тизими яратилди.

Клубнинг онлайн форумида суд амалиётига оид **549 515 та фикр** алмашилди.



Форумда :

- судьялар моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллаш бўйича тавсиялар; одоб-ахлоқ қоидаларини муайян вазиятларда қўлланилиши юзасидан сўровларга тушунтиришлар; судьянинг мустақиллиги ва дахлсизлиги билан боғлиқ масалалар;

- судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар;

- судьянинг маънавияти;

- суд тизимидаги янгиликлар ва судьялар учун эълонлар бўлимида мулоқот қилиш имкони яратилди.



Судьялар клубига янги бошқарувчи тайинланди

Судьялар олий кенгаши қарори билан **Гулнора Ахатовна Парпиева** Кенгаш ҳузуридаги Ўзбекистон Судьялар клуби бошқарувчиси этиб тайинланди.

Гулнора Парпиева Тошкент шаҳрида туғилган. Фуқаролик ишлари бўйича судларда судья лавозимларида фаолият кўрсатган.


Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси **Олий суди судьяси**.

“Содиқ хизматлари учун” медали соҳибаси.



Судьялар клуби форумида муҳокамалар статистикаси





Суд тизимида гендер тенгликни таъминлаш

Суд тизимида фаолият юритган аёл судьялар

2025 йилда Республика бўйича
1598 нафар судья фаолият юритган бўлиб,
шундан **245** нафарини ёки
15,3 % аёл судьялар ташкил этди.

Аёлларнинг **24** нафари
раҳбар лавозимларга тайинланган.



Аёл судьяларнинг суд ихтисослиги бўйича маълумот


Ўзбекистон Республикаси Олий суди	Фуқаролик ишлари бўйича судлар	Жиноят ишлари бўйича судлар	Иқтисодий судлар	Маъмурий судлар	Жами
14	131	47	34	19	245

Аёл судьяларнинг
64 нафари вилоят судларида,
167 нафари туман судларида
ишламоқдалар.

6 нафар аёл судья
муддатсиз даврда фаолият
юритмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси	31
Андижон вилояти	16
Бухоро вилояти	10
Жиззах вилояти	3
Қашқадарё вилояти	9
Навоий вилояти	10
Наманган вилояти	19
Самарқанд вилояти	14
Сирдарё вилояти	5
Сурхондарё вилояти	6
Фарғона вилояти	13
Хоразм вилояти	8
Тошкент вилояти	25
Тошкент шаҳри	62
Олий суд	14
ЖАМИ	245





Судьялар олий кенгашида Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди.

Кейинги тўрт йилда аёл судьяларнинг сони қарийб юз нафарга ошди, айти пайтда 245 нафар опа-сингилларимиз тизимда меҳнат қилмоқда. Уларнинг 24 нафари раҳбар судьялик лавозимига тайинланган бўлса, 3 нафари Халқаро аёл судьялар ассоциацияси аъзоси ҳисобланади.

Суд тизимида гендер тенгликни таъминлаш стратегиясига кўра, 2030 йилга бориб, хотин-қизлар улушини 30 фоизга етказиш назарда тутилган. Демак, бу борада амалга оширадиган ишлар кўп. Кенгаш ҳузуридаги Одил судлов Академиясининг судьялик лавозимига номзодлар тайёрлаш курсида 39 нафар хотин-қизлар таҳсил олмоқда.

Тадбирда аёл судьяларнинг меҳнатлари яна бир бор эътироф этилди. Лавозим мажбуриятлари билан бирга бекалик ва оналик вазифаларини сидқидилдан адо этиб келаётгани учун ҳам эътибор ва эътирофга лойиқдирлар.



Аёл судьяларни рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш мақсадида уларнинг ота-оналарини ташаккурнома билан тақдирлаш йўлга қўйилди.



Тадбирда самарали фаолияти учун беш нафар тизим вакиласига “Суд фахрийси” кўкрак нишони тантанали равишда топширилди, шу тариқа ўтган тўрт йилда ушбу эътирофга сазовор бўлганлар сони 96 нафарга етди.

Бундан ташқари яна бир гуруҳ аёл судьяларга Кенгашнинг “Фахрий ёрлиғи”, анъанага мувофиқ эса, алоҳида фаоллик кўрсатган опа-сингилларимизнинг ота-оналарига “Ташаккурнома” ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

Сенат аъзолари ва Хотин-қизлар қўмитаси вакиллари иштирок этган тадбирда бир гуруҳ судьяларга парламент юқори палатаси “Ташаккурнома”лари ҳам топширилди.

Шунингдек, тадбирда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, суд фахрийси Муҳаббат Ходжаева ҳаёти ва фаолиятдан ҳикоя қилувчи **“Умрим сабоқлари”** номли китоб тақдироти бўлиб ўтди.

Мазкур китоб **“Ибрат мактаби”** туркумидаги навбатдаги тўплам бўлиб, тизимнинг фидойи вакиласи тимсолида судьялик лавозимининг кўпчиликка номаълум қирралари ва машаққатлари ҳақида кенг тасаввур беради.



Тошкент шаҳри ва вилояти судларининг аёл судьялари иштирокида очиқ мулоқот бўлиб ўтди



Тадбирда одил судловни амалга оширишда аёл судьяларнинг ўрни, гендер тенгликни таъминлаш, бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳамда янги таҳрирда қабул қилинган Судьялар одоби кодексига киритилган қоидалар мазмун-моҳияти, шунингдек, Кенгаш ҳузуридаги Ўзбекистон Судьялар клуби Аёл судьялар жамоасининг яқин истиқболдаги вазифалари хусусида сўз юритилди.





Халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик соҳасидаги ишларни мувофиқлантириш

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик
ташкilotи билан ҳамкорлик



Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкilotининг (ЙХХТ) Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Судьялар олий кенгаши ва Кенгаш ҳузуридаги Судьялар олий мактаби ҳамкорлигида Фарғона ва Наманган вилоятларида «Кибержиноятчилик: қилмиш ва жазо, келажакка назар» мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди.



Жиноят ишлари бўйича судлар судьялари иштирокида ўтган тадбирда ахборот-технологияларининг мислсиз тараққиёти инсоният учун катта имкониятлар тақдим этиши баробарида оғриқли муаммолар ҳам юзага келтираётгани ҳам қайд этиб ўтилди. Хусусан, кибержиноятчилик, бу борада сифатли одил судловни амалга ошириш тобора долзарб масалага айланмоқда.





Судьялар Туркияда малака оширдилар

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ва Судьялар олий мактаби вакиллари, жиноят ва фуқаролик судлари судьяларидан иборат Ўзбекистон делегацияси аъзолари Туркиянинг Анқара шаҳрида жойлашган Адлия академиясида “Вояга етмаганларга нисбатан одил судлов” мавзусида ташкил этилган халқаро ўқув курсида иштирок этишди.



Ўқув курси Туркия Адлия академияси ва Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (TIKA) ҳамкорлигида Туркияда халқаро таълим дастури доирасида Ўзбекистон ва Қирғизистон республикалари суд ҳокимияти ходимлари учун ташкил этилган.

Ташрифдан мақсад-муассасалар ўртасида Туркияда халқаро таълим дастури орқали яқин ҳамкорликни давом эттириш, болалар ҳуқуқи соҳасида ўзаро билим ва тажриба алмашиш, мамлакатларимиз ўртасидаги суд-ҳуқуқ ҳамкорлигининг янги имкониятларини ўрганишдан иборат.



UNESCO

Судьялар билан халқаро семинар-тренинг ўтказилди



Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби ва ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда “Сўз эркинлиги ва ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқининг халқаро стандартлари таҳлили” мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.





Туркий давлатлар ташкилотига (ТДТ) аъзо мамлакатлар Судьялар кенгашлари раисларининг 3-йиғилиши

Озарбайжон Республикаси пойтахти Боку шаҳрида Туркий давлатлар ташкилотига (ТДТ) аъзо мамлакатлар Судьялар кенгашлари раисларининг 3-йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси Холмўмин Ёдгоров иштирок этган тадбирда ТДТга аъзо давлатлар судьялари ҳамжамиятлари ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини янада ривожлантириш, аввалги келишувлар ижроси ва истиқболдаги вазифаларлар муҳокама қилинди.



Йиғилиш тарихий аҳамият касб этиб, унда Туркий Давлатлар Ташкилоти (ТДТ) га аъзо давлатлар Судьялар кенгашлари тармоғининг Низоми имзоланди.

Муҳокамалар натижасига кўра, Судьялар кенгашлари раисларининг тўртинчи йиғилишини 2026 йил май ойида Самарқанд шаҳрида ўтказилиши маъқулланди.



Судьялар халқаро ўқув курсларида иштирок этишди



2025 йилнинг 16–25 июнь кунлари Швейцариянинг Женева шаҳрида Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (WIPO) ва Женева Университети ҳамкорлигида ташкил этилган “Интеллектуал мулк ҳуқуқи” бўйича халқаро ўқув курсларида Ўзбекистондан судьялар делегацияси иштирок этди.



Ушбу курсларда иштирок этишдан кўзланган асосий мақсад – интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасидаги билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш, айниқса, сунъий интеллект ва рақамли технологиялар билан боғлиқ масалалар юзасидан халқаро тажриба алмашишдан иборат бўлди.

Дастур доирасида интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилиш, патент ва товар белгиларининг ҳуқуқий асослари, рақамли муҳитда муаллифлик ҳуқуқи, сунъий интеллект билан боғлиқ муаммолар ва бошқа долзарб масалалар муҳокама қилинди.





Бирлашган Араб Амирликларидаги халқаро конференция

Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида **“Суд бошқарувининг халқаро тенденциялари”** мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.



Суд бошқаруви халқаро ассоциацияси (IACA) томонидан ташкил этилган халқаро анжуманда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг икки нафар аъзоси - Хуршид Садиқов ва Хуснидин Камолов иштирок этди.

Олтмишдан зиёд давлатдан келган **300 нафар**га яқин делегатлар иштирокида ўтаётган халқаро анжуманда суд бошқарувининг аҳамияти ва суд ишларини кўришда сунъий интеллектни жорий этиш масалаларини муҳокама қилиниб, ўзаро тажрибалар алмашинмоқда. Кунни кеча вакилларимизнинг **“Сунъий интеллектни бошқаришда халқаро стандартларнинг ўрни”** мавзусидаги маърузаси табдир иштирокчилари эътирофига сазовор бўлди. Маъруза доирасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари тўғрисида ҳам атрофлича маълумот берилди.



Судьялар халқаро форумда иштирок этишди



Остона шаҳрида Қозоғистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилганининг **10 йиллиги** ва ушбу мамлакатнинг Туркий давлатлар суд-ҳуқуқ кадрларини тайёрлаш тармоғига раислиги доирасида **"Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда самарали одил судлов фаолияти: миллий анъаналар ва халқаро стандартлар мувозанати"** мавзусида халқаро форум бўлиб ўтди.



Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатларнинг судьялар ҳамжамиятлари раҳбарлари, Одил судлов ва Адлия академиялари масъуллари, ҳуқуқшунос олимлар, экспертлар иштирокида ўтган анжуманда адолатни самарали таъминлашда миллий ҳуқуқ тизимини халқаро меъёрлар билан уйғунлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари, бунда жамиятда шаклланган тарихий-ҳуқуқий анъаналарга мувозанатли ёндашув масалаларида фикр алмашилди.





Кенгаш томонидан ўтказилган тадбирлар

Очиқ эшиklar куни

2025 йилнинг 27 ноябрь куни Олий Мажлис Сенатида суд ҳокимиятининг очиқлиги ва чинакам мустақиллигини тарғиб қилиш мақсадида Очиқ эшиklar куни ўтказилди.

Тадбирда Президент Администрацияси масъул ходимлари, Сенат раҳбарияти ва аъзолари, Олий суд, Судьялар олий кенгаши ва Конституциявий суд ва Бош прокуратура мутасаддилари, судьялар, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, Одил судлов академияси тингловчилари, олий юридик таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва талабалари, шунингдек, суд фахрийлари, адвокатлар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг бошқа вакиллари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 24 ноябрда қабул қилинган “Судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг самарадорлиги ва очиқлигини ошириш ҳамда суд мустақиллиги кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–227-сонли Фармонининг мазмун-моҳияти ҳақида фикр билдирди.



Оилалар фаровонлиги юзасидан очиқ мулоқот

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Судьялар олий кенгаши, Оила ва хотин қизлар қўмитаси ҳамда вилоят судлари ҳамкорлигида Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида оилалар мустақамлигини таъминлаш ва фарзандлар тарбиясига бағишланган очиқ мулоқотлар ўтказилди.



Тадбирга нотинч оилада яшаётган, ажралиш арафасида турган, судга ажралиш бўйича даъво ариза билан мурожаат қилган эр-хотинлар ва уларнинг ота-оналари таклиф этилди.

Тадбир “Фарзанд омонат” номли ҳаётий фильм намойиши билан бошланиб, фильм намойишидан хулоса қилган жами **112 та оила**

тикланди. Ажрашиб, аразлашиб, судлашиб юрган эр-хотинларнинг ярашгани бир томон, уларнинг ота-оналари, фарзандлари қувончи бир томон бўлди.

Энг асосийси, ушбу оилаларнинг жами **161 нафар** фарзанди энди ота-она бағрида камол топадиган бўлди.



Судьялар олий кенгаши ташаббуси билан шахмат бўйича турнир бўлиб ўтди



Судьялар олий кенгаши ташаббуси билан судьялар ҳамжамияти вакиллари интеллектуал ва маданий ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда юқори иқтидорга эга бўлган судьяларни рағбатлантириш мақсадида шахмат турнири ўтказилди.

Судьялар олий мактабида ўтказилган турнирнинг натижаларига кўра, I-лигада чемпионликка фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман судининг судьяси Алишер Камаров сазовор бўлди. Иккинчи ўринни жиноят ишлари бўйича Нурафшон шаҳар судининг тергов судьяси Алишер Нурматов қўлга киритди. Учинчи ўрин эса Қарши туманлараро иқтисодий судининг раиси Алибек Қодировга насиб қилди.

II-лигада ғолиблик шоҳсупасига жиноят ишлари бўйича Сўх туман судининг раиси Шерзод Мадумаров кўтарилди. 2-3 ўринларни мос равишда Гулистон туманлараро иқтисодий судининг раиси Ихтиёржон Юсупов ҳамда; жиноят ишлари бўйича Тахтакўпир туман судининг тергов судьяси Фархад Ибрагимов қўлга киритишди.



Судьялар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ўртасида шахмат мусобақаси ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 июндаги ПФ-95-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 33 йиллиги муносабати билан ташкил этилган асосий мақсад судьялар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари ўртасида соғлом



турмуш тарзи ва интеллектуал спортни ривожлантириш, ҳамкасблик ва корпоратив маданиятни мустаҳкамлаш, шунингдек, ходимларнинг стратегик фикрлаш ва интеллектуал салоҳиятини янада оширишдан иборат.

Жамоавий ва шахсий натижалар бўйича ғолиб ва совриндорлар кубок, медаль, диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирландилар.





Кенгаш томонидан судьялар учун чоп этилган қўлланма ва рисоалар



“Суд тизимида манфаатлар тўқнашув ва коррупцияга қарши курашиш” номли дарсликда суд тизимида манфаатлар тўқнашув ва коррупция категорияларининг ҳуқуқий тавсифи, коррупциявий омилларни аниқлаш ва уларга қарши курашишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари мазмуни атрофлича ёритилиб, халқаро стандартлар асосида суд тизимида коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар баён қилинган.



“Санкция ва мажбурлов чораларини қўллаш ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш тартиби” номли ўқув қўлланма тайёрланиб барча тергов судьяларига етказилди.

Қўлланмада тергов судьялари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш, санкциялар ва мажбурлов чораларини қўллаш масалалари бўйича тушунтиришлар ҳамда суд ҳужжатлари намуналари берилган.



Китобда Судьялар одоби кодекси қоидаларига кенг шарҳ берилган, шунингдек, ундан одоб ва ахлоқнинг асоси бўлган маънавиятга дахлдор сўзларнинг луғавий маънолари ҳам ўрин олган. Мақсад – маънавият ва маърифатни ифода этадиган тушунча, ибора ва атамаларнинг маъносини кенгроқ тушуниши орқали судьялар ҳамжамияти вакиллариининг маънавий дунёқарашини янада бойитишдан иборат.



“Судьянинг мустақиллиги ва дахлсизлиги” тўғрисидаги қўлланма нашр этилди. Мазкур қўлланма Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва судьялар фаолиятининг дахлсизлиги тўғрисида бўлиб, унда судьялар фаолиятига ҳар қандай аралашув мумкин эмаслиги ва бу қонундан ман этилганлиги, судлар фаолиятига аралашганлик ҳолатлари аниқланганда қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши батафсил баён этилган.

Қўлланма жойлардаги **ҳокимият** ва **давлат идоралари**га тарқатилди.



“Судьянинг маънавияти ва масъулияти” номли қўлланма чоп этилди. Ушбу қўлланма судьялар учун мўлжалланган бўлиб, унда судьянинг қасамёди, судьялар фаолиятига талаблар бўйича Президент нутқларидан иқтибослар, судьянинг мустақиллик ва дахлсизлик тушунчалари, касбий салоҳият ва масъулиятни ошириш бўйича тавсиялар, одоб-ахлоқ қоидалари ва бу бўйича алломаларнинг ўғитлари, умуман, судьянинг маънавияти, масъулияти ва касбий ахлоқи қандай мезонларга жавоб бериши тўғрисида батафсил айтиб ўтилган.

Мазкур қўлланма **судьялар фаолияти**да муҳим дастуриламал бўлади.

“Энг яхши китобхон судья”



Судьялар олий кенгашининг 2025 йилга мўлжалланган иш режасининг 18-банди ижросини таъминлаш мақсадида Кенгаш раисининг

2025 йил 7 апрелдаги 9-сонли фармойиши қабул қилиниб, 2025 йилнинг апрель-май ойларида Ўзбекистон судьялари ўртасида “Энг яхши китобхон судья” танлови ўтказилди.

Танлов уч босқичда ўтказилиб, судьялар тасдиқланган рўйхатдаги асарлар бўйича эссе билан иштирок этдилар.

Танловнинг 1-босқичида иштирок этган жами 636 нафар судьяларнинг эсселари ҳудудий комиссиялар томонидан баҳоланиб, 2-босқичда иштирок этиш учун 196 нафар судьянинг эсселари тавсия этилган. Танловнинг 2-босқичида иштирок этган 30 нафар судьянинг 10 нафарига якуний 3-босқичда иштирок этиш учун рухсат берилди.

Ўзбекистон судьялари ўртасида ўтказилган “Энг яхши китобхон судья” танловида қуйидаги судьялар ғолиб деб топилди:

1-ўрин: Тошкент туманлараро маъмурий судининг судьяси Соатов Уткирбек Эшназарович;

2-ўрин: Оқолтин туманлараро иқтисодий судининг раиси Олламов Алишер Ярашович;

3-ўрин: Жиноят ишлари бўйича Фарғона туман судининг тергов судьяси Куконбоев Хислатжон Мухторович.

Танловдаги алоҳида фаоллиги учун Сурхондарё вилояти Сариосиё туманлараро иқтисодий судининг раиси Муротов Нуриддин Намозович ҳамда Тошкент туманлараро иқтисодий судининг судьяси Эрметова Шоира Хасановна эсдалик совға билан рағбатлантирилди.





Судьялар олий кенгаши томонидан нашр этилган **“Судья маънавияти, одоби ва масъулияти”** ва **“Судьялар одоби кодексига шарҳлар”** китоблари **“Mutolaa”** мобил электрон кутубхона платформасига жойлаштирилди.

Китобхонликни ривожлантириш, жамоавий китоб ўқиш маданиятини шакллантириш йўлида амалга оширилаётган ташаббусларни қўллаб-қувватлаб келаётгани ва доимий ҳамкорлик учун Судьялар олий кенгаши **“Ташаккурнома”** билан тақдирланди.




Айни пайтда
1516 нафар судья
“Mutolaa” электрон
кутубхонаси
аъзолари
ҳисобланади.



Мундарижа

Кириш	5
Судьялар корпусини шакллантириш	6
Судьялар дахлсизлигини таъминлаш	17
Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича таҳлил	26
Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик	29
Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси фаолияти	30
Судьялар фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижалари	37
«Суд фахрийси» кўкрак нишони	39
Ибрат мактаби	40
Ўзбекистон Судьялар клуби	48
Суд тизимида гендер тенгликни таъминлаш	50
Халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик соҳасидаги ишларни мувофиқлантириш	54
Кенгаш томонидан ўтказилган тадбирлар	61
Кенгаш томонидан судьялар учун чоп этилган қўлланма ва рисоалар	65





Ўзбекистон
Республикаси
Судьялар олий
Кенгашининг



АХБОРОТИ

Муҳаррир **Улуғбек Халилов**
Ношир **Аҳмад Тўра**
Дизайнер **Муҳаммадхон Юсупов**
Техник муҳаррир **Ўролбой Тўраев**
Мусахҳиҳ **Гулноза Эргашева**

«IJOD NASHR»

Нашриёт лицензияси **АА № 0050.**

Берилган вақти 15.06.2020

100138. Тошкент шаҳри, Учтепа тумани,
Чилонзор даҳаси, 13-мавзе, 45-уй.

Босишга 2026 йил 19 январда рухсат этилди.

Бичими 60x84 ¹/₈. Офсет босма.

“Aptos” гарнитураси.

Нашриёт босма табағи 9.

Адади 100 нусха.



Боғланиш учун:

+99897 765-56-86